

**«BRZ» МЧЖ _____ сонли буйругига илова
№ _____ «___» _____ 2021 йил.**

***«BIRINCHI REZINOTEХNIKA ZAVODI» МЧЖ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТ***

г.Ангрен – 2021 г.

Мундарижа

1. АСОСИЙ ҚОИДАЛАР	1
1.1 Умумий қоидалар	1
1.2 Сиёсатнинг мақсади	1
1.3 Сиёсатнинг хукуқий ва услубий негизлари	1
2. ҚЎЛЛАНИШ МАНЗИЛИ	2
3. ҚИСҚАРТМА ВА ИБОРАЛАРНИНГ ТАВСИФИ	2
4. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ХАРАКАТЛАРНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ	4
4.1 Коррупцияга нисбатан “нол бардошлилик” принципи	4
4.2 Конунчилик тамойиллари	5
4.3 Харакатдаги коррупцияга қарши олдини олиш тадбирларни, тизимли ва интеграция принциплари	5
4.4 Очиқлик ва шафоффлик принциплари	5
4.5 Етарли эхтиёткорлик принциплари	5
4.6 Жавобгарлик ва жазонинг муқарралиги принциплари	6
4.7 Махфийлик ва жавобдан воз кечиши принципи	6
4.8 Коррупцияга қарши тизимнинг доимий такомиллаштириш принципи	6
5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТИЗИМНИНГ ЭЛЕМЕНТЛАРИ	6
5.1 Коррупцияга қарши асосий хужжатларнинг мавжудлиги	6
5.2 «Юқоридан оханг»	6
5.3 Коррупция хавфини аниқлаш ва баҳолаш	7
5.4 Антикоррупцион процедурлар	7
5.5 Коррупцияга қарши жавобгар шахс ва бўлинмаларнинг мавжудлиги	8
5.6 Малумотла, коммуникациялар ва консультациялар	8
5.7 Коррупцияга қарши харакат масалалари бўйича мониторинг, назорат ва хисоботлар	9
5.8 Аниқланган тартиббузарликларга муносабат билдириш ва жавобгарликка жалб этиш	10
6. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЖАРАЁНЛАР	10
6.1 Манфаатлар тўқнашувины бошқариш	10
Контрагентлар ва учинчи шахслар билан ўзоро таъсир	11
Давлат оргшанлари, корхона ёки ташкилотлар ва Давлат мансабдор шахслари билан ўзаро муносабат	12
Совғалар ва вакиллик харажатлар	12
Сиёсий фаолиятни молиялаштириш	13
Хайрия ва хомийлик	13
Ходимлар танлаш, лавозим бўйича харакат, моддий рағбатлантириш	14
Ведение учета	14
7. ТАРТИББУЗАРЛИК ХАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШ	14
8. ХОДИМЛАРГА КОНСУЛЬТАЦИЯ БЕРИШ	15
9. ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ	15

1 АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 Умумий қоидалар

- 1.1.1 «Birinchi Rezinotexnika Zavodi» масулияти чекланган жамият (кейинда Жамият) юқори ахлоқ стандартларига таянган холда, молиявий-хўжалик фаолиятини юритишда ижтимоий ва вижданан йўналишда, ишлаб чиқаришга асосий эътиборни қаратган холда, жараён ва сиёсатни татбиқ этиб уни назоратини бошқришда, коррупцияга қарши харакатлар йўналишида боришга харакат қилади.
- 1.1.2 Коррупцияга қарши ушбу сиёсати (кейинда Сиёсат) Жамиятнинг ички қонуний ва талаб даражасидаги меъёрий хужжатларини, шу жумладан, Ходимлар томонидан коррупцияга қарши харакатлар тизими асосий элементлари ва принципларини халқаро коррупцияга қарши қонунчилик ва Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши конунчилиги чораларини белгиловчи меъёрий хужжат хисобланади.
- 1.1.3 Жамиятнинг коррупцияга қарши кураш ташаббуслари:
- коррупциянинг олдини олиш;
 - коррупцион харакатларни аниқлаш, олдини олиш ва суриштирув олиб бориш;
 - коррупцион харакатларнинг оқибатларини минималлаштириш ва / ёки бартараф этишга қаратилган.

1.2 Сиёсатининг мақсади

- 1.2.1 Ушбу сиёсат куйидаги мақсадда ишлаб чиқилган:

- коррупцияга қарши Жамиятнинг «нол бардошлилик» принципида бўлишлигини қўллаб қувватлаш
- Жамиятдаги ҳар қандай коррупцион харакатларни рад етиш ва уларга йўл қўймасликнинг корпоратив маданиятини яратиш;
- контрагентлар ва жамоатчилик томонидан коррупция хавфларини камайтириш мақсадида жамиятнинг коррупцияга қарши принциплари ва талабларини тушуниш;
- Жамият ва унинг Ходимларини коррупцион фаолиятга жалб етиш хавфини камайтириш тамойиллари ва чора-тадбирларини умумлаштириш.

1.3 Сиёсатнинг хуқуқий ва услубий асослари

- 1.3.1 Ушбу Сиёсат принцип ва меъёрлари куйидаги хуқуқий-норматив хужжатлар асосида ташкил этилган:
- Ўзбекистон Республикасининг 2017 й. 3-январдаги №ЗРЎ сонли «Коррупцияга қарши харакатлар хақида»ти қонуни;
 - Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси;
 - Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик хақидағи кодекси;
 - Нью-Йорк шахрида 31-октябр 2003 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг сессияси 51-plenуми 58-ийғилишида қабул қилинган 58/4сонли Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши Конвенция Резолюцияси;
 - 1997 йил 21 ноябр Истамбул шахрида қабул қилинган ОЭСРнинг халқаро бизнес операциялари олиб бориш даврида чет эл мансабдор шахсларини сотиб олишга қарши кураш бўйича Конвенция;
- 1.3.2 Сиёсат Услубиятининг асоси:
- ISO 37001:2016 «Коррупцияга қарши менеджмент тизими – қўллаш учун талаб ва тавсиялар» Халқаро стандарти.

2 ҚЎЛЛАШ МАНЗИЛИ

- 2.1.1 Ушбу Сиёсат принцип ва талабларига амал қилиш эгаллаб турган лавозимидан қаттий назар барча Ходимлар учун мажбурийдир.

- 2.1.2 Жамиятга ишга қабул қилинишда ёки Сиёсатда белгиланган бошқа вазиятларда хар бир ходим ушбу Сиёсат билан имзо қўйган холда танишишлари ва унинг талабларига бўйсенишлари шарт.
- 2.1.3 Жамиятнинг бошқа меъёрий хужжатлари ушбу Сиёсатга қарама-қарши бўлиши мумкин эмас. Қарама- қаршилик юзага келган вазиятда устунлик Сиёсат томонда бўлади.

3 ИБОРАЛАР ВА ҚИСҚАРТМАЛАРНИНГ ТАВСИФИ

- 3.1.1 Киритилган ибора ва тавсифлар:

Коррупцияга қарши курашиш – Жамият шартномасидаги асосий талабларини бажариш давомида томонларни коррупцияга қарши курашишда ўз мажбуриятларини қонунчилик асосида олиб боришлари талаби.

Яқин қариндошлар – ишчига қариндошлиги бўлган яъни, ота-онаси, қондош ёки қариндош ака-ука, опа-сингиллари, хотини (эри), болалари, шу жумладан боқиб олган (васийликка олган) болалари, бобоси, бувиси, неваралари, шунингдек, хотини (эри)нинг ота-онаси, қондаш ёки қариндош ака-ука, опа-сингиллари

Давлат мансабдор шахси

– Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлатнинг хар қандай ижро этувчи, суд ёки хукуқ ва қонунчилик тизимини танлаган ёки тайинланган шахс.

– Ўзбекистон Республикаси ёки чет давлат учун жумладан, корхона ёки муассаса, давлат органлари учун хукумат функцияларини бажарадиган хар қандай шахс. .

- хар қандай мансабдор шахс ёки халқаро ташкилотлар вакиллари.

- Сиёсий арбоблар, сиёсий партиялар мансабдор шахслари, шу жумладан, сиёсий мансабларга номзодлар.

Давлат функциялари – давлат маънфатлари учун бажарилувчи хар қандай хуқуқбузарлик фаолияти, масалан, давлат сотиб олиш ишлари билан боғлиқ.

Давлат органлари, корхона ва ташкилотлар – давлат хокимияти органлари, фуқароларнинг ўз ўзини бошқариш органлари (шу жумладан, вазирликлар, хизматлар, идоралар ва бўлимлар) ва уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек давлат томонидан тўғридан тўғри ёки билвосита бошқариладиган юридик шахслар.

Аниқ, тасдиқланган маълумот – Ходим ёки бошқа шахс томонидан Жамиятга ёки унинг Ходимига алоқадор коррупция харакатлари хақида маълумотлар каналлари орқали етказган маълумот, бунда маълумотни йўллаётган Ходим ёки бошқа шахс ўз маълумотнинг тасдиқланганига аниқ ишонса.

Ишбилармон мемондўстлик белгиси – Ходимларнинг маънфатларини ёки маънфатларга биноан учинчи шахслархаражатлари, хамкорлик алоқаларини боғлаш ёки қўллаш, фаолиятни юргизишни амалга

Контрагент – Жамият билан шартномавий муомилага киришувчи хар қандай, жисмоний шахс, ишчилардан ташқари, ва юридик шахслар (жумладан уларнинг филиаллари ёки вакилликлари).

Махфий маълумот – бу хар қандай кўринишдаги қабул қилинган, қайта ишланган, топширилладиган маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида чегараланиши ёки мулкдорнинг шу кўринишдаги ички меъйёрий хужжатлари, жумладан;

- Давлат сири - Ўзбекистон Республикасининг илмий техник, иқтисодий, харбий бўлган махфий, ўта махфий, ўта муҳим ахамиятга эга кўриқланадиган ва маҳсус рўйхатдаги хужжат;

- Тижорат сири – бу мулкдор томонидан хар қандай молия-иктисодий, ишлаб чиқариш, технологик, илмий-техник ва бошқа турдаги учинчи шахс учун номаълум бўлган хамда уларнинг қонуний ва эркин киришга хукуқи бўлмаган маълумотлар сирлилигини саклаш бўйича барча усувларни қўллади;

Манфаатлар тўқнашуви – бу холат ишчининг манфаатлари (бевосита ёки билвосита) ўз хизмат вазифаларини бажаришида содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларни юзага келиши ёки ишчининг шахсий маънфатлари ва хукуклари Жамиятнинг қонуний манфатлари билан қарама-қарши бўлишидир;

Коррупциявий хукуқбузарлик – коррупциавий аломатларни ўз ичига олган хар қандай харакатга қарши антикоррупциавий хукуқий жавобгарлик кўзда тутилган.

Каррупциавий харакат.

- Жамият учун ўз фаолиятини юргизишида ёки бошқа манфаатларни кўзлаб Давлат амалдорига (пора бериш), тижорат органи вакилига (тижорат учун пора бериш), хусусан, бошқа шахсларга пора бериш йўли билан ўз мақсади учун хизмат қилдириш ёки шунга ўхшаш вазиятларда харакатсизлик қилиш;
- тартиб қоидаларни соддалаштириш учун тўловларни амалга ошириш;
- ишчининг ўз мансабини сувистемол қилиши, мансабидан фойдаланиши, таъмагирлик, илтимос, талаб ёки ўзи хамда учинчи шахс фойдасига ноқонуний равишда Жамият манфаатларига зид бўлган фойдани кўзлаш мақсадидаги харакат;
- фойда кўриш мақсадида тузилаётган келишувдан ноқонуний фойдаланиш, порахўрлик, ўртакашлик ёки тижорат порахўрлиги, шу жумладан, фойда берувчи ва фойда кўрувчи шахс ўртасидаги келишувни ўзаро фойда топиш мақсадида тузиш.

Коррупция – ўзи ёки ўзга шахснинг манфаати учун моддий ёки бошқа турдаги фойда кўриш мақсадида ўз лавозимидан ёки мансабидан фойдаланиш, шунингдек, ўзгаларга шундай таклифларни бериш.

Шахсий манфаат – ишчининг ёки унинг яқин қариндоши томонидан моддий, маънавий ёки бирор бошқа турдаги, шунингдек, хизмат қилиб бериш шарти билан бирор фойдани кўзлаш.

Халқаро ташкилот – хар қандай давлат, хукумат ёки бошқа халқаро ташкилот фаолият шакли ва ваколатидан қатъий назар ташкил этилган халқаро ташкилот, масалан, иктисолий интеграция бўйича минтақавий ташкилот.

Ноқонуний фойда – Хеч қандай асоссиз пул маблағлари ёки бошқа мулк хукуқи, афзалликлар, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар, турли моддий ёки номоддий фойдаларни ваъда бериш, таклиф этиш ва қоидага хилоф равишда қабул қилиш.

Жамият - «Birinchi Rezinotexnika Zavodi» масулияти чекланган жамият.

Расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловлар – қонун - қоидаларда, қонунчиликда кўрсатилмаган харакатлар ёки стандарт харакатларни пул маблағлари ёки мулклар, имтиёзлар, хизматлар, номоддий активлар хар қандай моддий ва номоддий фойдалар эвазига тезлаштириб бериш мақсадида фойдаланиш.

Сиёсат – Коррупцияга қарши амалдаги Сиёсат.

Амалдаги коррупцияга қарши қонунлар – Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши қонунчилик, халқаро коррупцияга қарши қонунчилик ва Жамият ўз фаолиятини юргизаётганхудуддаги давлат коррупцияга қарши қонунчилик.

Ходимлар – ушбу сиёсат мақсадидаги бу тушунчага Жамият билан мөхнат шартномаси тузган ва унга асосан фаолият юргизаётган ишчилар хамда Жамият раҳбарияти киради.

Коррупцияга қарши харакатлар тизими – коррупцияга қарши харакатларга йўналтирилган элементлар ўзаро боғлиқлик тизими, ушбу Сиёсатнинг 5-бўлимида кўрсатилган.

Коррупцияга қарши харакатлар тизими – коррупция харакатларига қарши ушбу Сиёсатнинг 5 бандида кўрсатилган, ўзаро боғлиқ элементлар тизими.

- 3.1.2 Ушбу йўриқномада кўлланилган лекин аниқлик киритилмаган иборалар Жамият ва Ўзбекистон Республикаси меъёрий хужжатларида кўлланилган маънода қўлланилади.

4 КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦПЛАРИ

4.1 Коррупцияга нисбатан бардошлилик принципи

Жамият ўз фаолиятини олиб бориш жараёнида, Давлат органлари, ташкилот ёки корхоналар ва Давлат мансабдор шахслари хамда бошқа шахслар билан, жумладан, Контрагентлар билан ўзаро харакат доирасида коррупцияга қарши аломатларнинг хар қандай кўринишига рад этиш принципида туради (коррупцияга қарши «бардошлилик» принципи).

Бу ходимларга коррупцион харакатлар содир этмаслик шартини билдиради, жумладан:

- Жамият учун ўз фаолиятини юргизишида ёки бошқа ноқонуний манфаатларни кўзлаб Давлат амалдорига (пора бермаслик), тижорат органи вакилига (тижорат учун пора бермаслик), хусусан, бошқа шахсларга пора бериш йўли билан ўз мақсади учун хизмат қилдирмаслик ёки шунга ўхшаш вазиятларда харакатсизлик қилмаслик, шу жумладан Жамият учун тижорат йўлида;
- тартиб қоидаларни соддалаштириш учун тўловларни амалга оширмаслик;
- Ходимнинг ўз мансабини сувистемол қилиши, мансабидан фойдаланиши, мансабидан нотўри фойдаланиши, шунингдек, Ходимнинг ўз мансабидан таъмагирлик, илтимос, талаб ёки ўзи хамда учинчи шахс фойдасига ноқонуний равишда Жамият манфаатларига зид бўлган ноқонуний фойдани кўзлаш мақсадидаги харакат;
- фойда кўриш мақсадида тузилаётган келишувдан ноқонуний фойдаланмаслик, порахўрлик, ўртакашлик ёки тижорат порахўрлиги, шу жумладан, фойда берувчи ва фойда кўрувчи шахс ўртасидаги келишувни ўзаро ноқонуний фойда топиш мақсадида тузмаслик.
- Ходимнинг коррупция аломатларини из ичига олган ёки унга хайрихохлик билдирилган бошқа харакат / харакатсизлик, шу жумладан маънфатлар тўқнашувининг намоён бўлиши.

4.2 Конунчилик принципи

- 4.2.1. Жамиятда коррупцияга қарши тадбирлар Ўзбекистон Республикасида ратификация қилингандан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, халқаро қонунчиликда коррупция харакатларига қарши етакчи амалиётлар талабларини инобатга олган холда, жумладан, Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларига биноан бажарилади.

- 4.2.2 Жамият ва унинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қилишлари, шунингдек, Жамият қайси худудда фаолият юргизиаётган ёки юргизиши режалаштираётган бўлса коррупцияга қарши харакатлар борасида халқаро актлар ва чет эл давлатлари меъёрий актлари талабларига амал қилиши шарт.

4.3 Коррупцияга қарши харакатларини огохлантирувчи тизимли интеграцияий принцип.

- 4.3.1 Жамият тадбирлар ва жараёнларни устувор огохлантирувчилик мақомида бўлишлигини Коррупция харакатлари ва коррупцион хавфнинг сабаб ва шароитларини бартараф этишга йўналтириш тарафдори.
- 4.3.2 Жамият коррупцияга қарши тадбирлар жараёнларини шаффоф, тиник ва аниқлинган хавфларни оқилона хал этишга харакат қиласди.
- 4.3.3 Жамиятнинг амалга ошириладиган коррупцияга қарши тадбир ва жараёнларини коррупцияга қарши харакатларининг барча фаолиятларини интеграция тизимига бирлаштиради.

4.4 Очиқлик ва шаффофлик принципи.

- 4.4.1 Жамият ходимларни, Контрагентларни, хамкорлар ва оммани коррупцияга қарши принциплар ва талаблар қабул қилингани хақида хабардор қиласди, шунингдек Жамиятнинг эркин фойдаланувчи ижтимоий тармоқлари сахифаларида ва Жамият Интернет-сайтида ушбу Сиёsat ва коррупцияга қарши олиб борилган тадбирлар хақида вақти-вақти билан нашр қилиб боради.

4.5 Етарли даражада огохлик принципи.

- 4.5.1 Жамият коррупция фаолиятига алоқадор бўлиб қолиши мумкин бўлган шахсларни фаолияти давомида ушбу хавфни имкон даражасида камайтириш чораларини тадбиқ этади. Контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатларини бошлиш ёки давом эттириш хақида қарор қабул қилишдан аввал Жамият ушбу принцип асосида уларни ишончлилигини текширади. Ушбу текшириш шу жумладан, Контрагент билан бирга олиб бориладиган муносабатларда коррупцион хавфни аниқлаш йўналиши хамдир.
- 4.5.2 Жамият фуқаровий – хуқуқӣ характердаги шартномаларни тузишдан ёки ёллаш бўйича қарор қабул қилишдан аввал ишга қабул қилинувчи номзодларнинг ишбилармонлик даражаси, шу жумладан, уларда манфаатлар тўқнашуви ва коррупцион хавф йўқлигини текширади.

4.6 Жавобгарлик ва жазонинг муқарарлиги принципи.

- 4.6.1 Ходимлар эгаллаган мансабидан, иш стажидан, мавқий ва бошқа факторлардан қатъий назар ушбу Сиёsat ва коррупцияга қарши қабул қилинган қонунчилик принциплари ва талабларини бажариш учун шахсан жавобгардирлар.

4.7 Жавоб чораларини рад этиш ва маҳфийлик принципи.

- 4.7.1 Ходим коррупция харакатларига ёки бошқа қонунчилик талабларини, қабул қилинган коррупцияга қарши қонунчилик ёки ушбу Сиёsatга қарши харакатларни содир этишдан бош тортган тақдирда Жамият унга нисбатан ишдан озод этиш, мансабдан тушириш, мукофотдан маҳрум этиш, камситиш, чиқиштирмаслик, тақиб этиш холларини кўлламасликка кафолат беради, хатто ушбу харакатдан Жамият тижорат ёки рақобатбардошлик жихатидан фойда ёки зара кўрмаган бўлса хам.
- 4.7.2 Бирор бир Ходим Жамиятнинг бошқа Ходимига нисбатан коррупция харакатлари ёки коррупцияга қарши принциплар ва ушбу Сиёsatнинг бузилиши холатлари хақида хаққоний маълумотлар хабарини берса Жамият ушбу Ходимга нисбатан хар қандай жавоб чораларини кўриш мақсадга мувоффик эмас деб хисоблайди.
- 4.7.3 Жамият малумотлар каналидан олинган хар қандай тартиббузарлик хақидаги маълумотлар маҳфийлигини таъминлайди.

4.8 Коррупция харакатларига қарши доимий такомиллаштириш принципи.

- 4.8.1 Жамият доимий равишда коррупцияга қарши харакатлар тизимининг самарадорлигини ошириш мақсадида уни такомиллаштириш чораларига алоҳида эътибор қаратади.

4.8.2 Жамият ўз Ходимларини жамиятда коррупцияга қарши харакатлар тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар беришга чақиради.

5. КОРРУПЦИЯ ХАРАКАТЛАРИГА ҚАРШИ ТИЗИМЛАР ЭЛЕМЕНТЛАРИ.

Коррупцияга қарши фаолият самарадорлигини таъминлашга харакат хамда коррупция харакатларига тизимнинг асосий элементларини такомиллаштириш соҳасига Жамият томонидан мухум эътибор қаратилади, хусусан:

5.1 Коррупцияга қарши харакатлар бўйича фундаментал хужжатлар мавжудлиги.

5.1.1 Жамият коррупцияга қарши тизим асосида ушбу Сиёсатда ёритилган талаб ва принциплар, Жамиятнинг коррупцияга қарши дастурида, манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Сиёсат ва Бизнес харакати кодекси, коррупцияга қарши харакатлар бўйича ишлаб чиқилган амалиётлар ва коррупцияга қарши қонунчилик қўлланмалари ётади.

5.2 «Юқоридан оханг».

5.2.1 Жамиятнинг барча раҳбарлари хамда бошқа тармоқ бўлинма (бўлим, бошқарма, ва б.) бошлиқлари шахсий ўрнаклари билан ишчиларга коррупцион харакатнинг хар қандай турига ва тузилишига нисбатан муросасизлик намунасини кўрсатган холда ахлоқий хатти харакатларни яратиш ва Жамиятда коррупцияга қарши жамоавий қарши туриш маданиятини шакиллантириши лозим.

5.2.2 Жамият бошқармаси ва назорат кенгаши аъзолари, шунингдек, бўлинма (бўлим, бошқарма, ва б.) бошлиқлари коррупция харакатларига қарши самарали тизим ва ўзаро муносабатларни ташкил этишда етакчиликни намоён этиши қўйидагилар орқали:

- коррупцияга қарши тадбирларни такомиллаштириш ва тадбиқ этиш, ишлаб чиқиш хамда мониторингида фаол иштирок этиш;
- коррупция харакатларига қарши тизимлар, операциялар самарадорлиги ва умумий назоратни амалга оширган холда татбиқ этиш;
- ташқи ва ички коммуникациялар, шунингдек, қўл остидаги ходимларни коррупция харакатларига қарши масалалар, талаб ва меййёр мутаносиблигини сақлаган холда (шунингдек, мунтазам чиқишилар, публикациялар ва ёзишмалар орқали);
- коррупцияга қарши тадбирлар учун етарли моддий-техник ресурсларни тақдим этган холда;

5.2.3 Жамиятнинг раҳбар ходим лавозимларига шунингдек, Жамиятнинг бошқа тармоқлар бўлинма (бўлим, бошқарма, ва б.) раҳбар лавозимларига аввалда қонунбузарлик холатларига аралашган, шунингдек, коррупция фаолиятида аниқланган шахсларни қўймаслик учун бор имкониятни қўллайди.

5.3 Коррупция хавфини баҳолаш ва идентификациялаш.

5.3.1 Жамият доимо (камида 2 йилда бир маротаба, шунингдек, зарурият бўлганда) Услубиятда кўрсатилгандек Жамиятда коррупция хавфини баҳолаш ва идентификациялаш бўйича тадбирлар ўтказади.

5.3.2 Идентификациялаш ва баҳолашлар қайта баҳолаш доирасида Жамият тизимлари коррупцион хавфнинг хусусиятлари ва барча фаолият йўналишлар жараёнлари таҳлил қилиниб, коррупцион хавфга мойил, шунингдек, уларда аниқланган коррупцион хавфни етарли даражада пасайтириш хамда уларнинг коррупцияга қарши назорати хусусиятлари хисобга олинади.

5.3.3 Жамият фаолиятига таъсир ўтказиши мумкин бўлган дастурла ривожи, шу жумладан, инвестицион ва стратегик лойихалар, қонунчиликдаги ўзгаришилар, сиёсий ва иқтисодий вазиятлар хамда бошқа ташқи факторлардаги хавфларга Жамият алохида эътиборини қаратади.

5.3.4 Идентификациялаш ва хавфни баҳолаш жараённада Жамиятнинг брча бўлинма раҳбарлари қатнашади ва комплаенс назорати мутахассиситомонидан фаол қўлланган холда жараённи мувоффиклаштиради ва умумий баҳолаш хуносасини тайёрлайди.

5.3.5 Коррупцион хавфни баҳолаш / қайта баҳолаш натижаси Жамият бошқарувида кўриб чиқиш учун тақдим этилади ва шу давр учун коррупцияга қарши дастур ишлаб чиқиш хамда Жамият коррупцияга қарши процедура ва тадбирларни мувоффиклаштириш учун насос хисобланади.

5.3.6 Жамиятнинг коррупцияга қарши туриши ва бардошлилик принципига мажбурийлигини хисобга олиб, Жамиятга таъсири ва уларнинг мавжудлик эҳтимоллигидан қатъий назар коррупция хавфини бошқариш заруриятини тан олади.

5.4 Коррупцияга қарши процедуралар.

5.4.1 Ўтказилган хавфни баҳолаш / қайта баҳолаш натижалари бўйича Жамият ўз фаолият йўналиши жараённига коррупцияга қарши назорат ва процедураларда шошилинч хавфни аниқлашни киритади.

5.4.2 Амалга оширилган коррупцияга қарши процедураналар Сиёсатнинг 6-бўлимида кўрсатилган, шунингдек Жамиятнинг бошқа ички меъёрий хужжатлари билан мустахкамланган ва коррупцияга қарши дастурда ёритилган.

5. Коррупцияга харакатларига қарши жавобгарлар, бўлинмалар ва шахсларнинг мавжудлиги.

5.5.1 Коррупция харакатларига қарши тизимнинг самарали тузилиши билан Жамият комплаенс назорат мутахассиси шуғулланади.

5.5.2 Комплаенс назорат мутахассиси Жамиятнинг Бош директорига бўйсинади.

5.5.3 Комплаенс назорат мутахассиси Жамиятнинг Коррупция харакатларига қарши тизимлари мувоффиклиги ва уларнинг самарали юритилишида етарли даражадаги малака ва ваколатга, ресурслар ва кучга шунингдек, мустақилликка эга бўлиши керак.

5.5.4 Комплаенс назорат мутахассиси жумладан қуидаги функцияларни бажаради:

- Жамиятдаги коррупция харакатларига қарши профилактика ва харакатлар;
- Коррупцион хавфларни баҳолаш натижаларини жамлаш, мувоффиклаштириш ва ташкил этиш;
- Коррупция харакатларига қарши саволлар бўйича Жамият ички меъёрий хужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар, методик тавсиялар, процедуралар ишлаб чиқиш ва Сиёсатини мувоффиклаштириш;
- Коррупция харакатларига қарши саволлар бўйича Ходимларни ўқитиш дастурини ишлаб чиқиш ва бевосита ўқитиш;
- Коррупция харакатларига қарши саволлар бўйича ходимларга консультация бериш;
- Коррупцион харакатлар суриштирувида қатнашиш, шунингдек, ходимларни тартиббузарлик содир этганликлари юзасидан жавобгарликка тортиш масалаларини кўришда қатнашиш;
- Жамиятда коррупцияга қарши тадбирлар ва процедуралар мониторингини бажариш;
- Жамиятда мавжуд бўлган коррупцияга қарши тадбирлар мутаносиблигини, процедуралар мувоффиклигини ва ахамиятини баҳолаш, шунингдек уларнинг мукаммаллиги бўйича чоралар қабул қилиш;
- Жамият бошқарувига ва кузатув кенгашига доимий равишда Жамиятдаги коррупцияга қарши тадбирлар тизими холати хақида хисботлар тузиш;
- Жамият ички меъёрий хужжатлари, амалдаги қонунчилик ва бошқа ваколатлар.

5.5.5 Комплаенс назорат мутахассисидан ташқари бошқа ходимлар ва бўлинмалар хам Жамиятда коррупция харакатларига қарши тизим жараёнларини самарадорлигини оширишда қатнашадилар. Ходимлар ва бўлинмаларнинг коррупция харакатларига қарши тадбирлари олиб борилишига жавобгарлар Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларида кўрсатилган.

5.6 Маълумот, алоқалаштириш ва консультация.

5.6.1 Ходимлар ва Контрагентларнинг кўпроқ маълумотларга эга бўлиши ва коррупция хавфини камайтириш, шунингдек Жамиятда қабул қилинган коррупцияга қарши принцип ва талаблар кенг оммага билдириш мақсадида, ушбу Сиёсат ва Жамиятдаги бошқа коррупцияга қарши айрим сиёсатлар Жамиятнинг маҳсус Интернет-сайтида ва бошқа ижтимоий тармоқларда жойлаштирилади.

5.6.2 Жамият ходимлари ва Контрагентларга Жамиятдаги коррупцияга қарши принциплар ва талабларни коррупцияга қарши қонунчиликда қўлланиладиган меъёrlарни тушунтириш орқали хабардор қилишга бор имкониятларини қўллади.

5.6.3 Коррупцияга қарши харакатлар бўйича доимий тизимили ўқитиш ва тестдан ўтказиш:

- янги ишга кирган ходимлар-ишга киргач 60 кун ичида;

Коррупцияга қарши харакатлар бўйича билим ва кўникмалариниетарли даражада сақлаш мақсадида барча ходимлар хар иили;

- коррупцияга қарши тадбирлар, Сиёсат ва процедураларга Ходимлар учун қўлланадиган Сиёсат ва процедураларга сезиларли ўзgartiriшлар киритилади;

- Жамият бошқа ички меъёрий хужжатлар ва ушбу Сиёсатда кўрсатилган коррупцияга қарши харакатларида камчиликлар аниқланганида, шунингдек, Ходимлар учун коррупцияга қарши харакатларида билим ва кўникмалар етарли бўлмагандан, коррупцияга қарши жараён ва процедураларда хатоликларга йўл қўйилганда; ходимлар учун тест ва ўқиш якунлари ва бошқа қўлланган вазиятлардан ўтломаганлар;

- коррупцияга қарши функциялар назорати билан боғлиқ ва коррупцион хавф юкори бўлган мансабдор ходимлар учун – коррупцияга қарши харакатлар масалалари бўйича маҳсус ўқиш ва тестлар.

5.6.4 Ходимларнинг Жамиятда коррупцияга қарши «бардошлилик ва қарши туриш» маданиятини ва коррупцияга қарши тадбирлар олиб бориш, уларда ушбу йўналишда етарли тушунчалар пайдо бўлиши учун коррупцияга қарши мавзудаги аудио ва видео ва бошқа маълумот материалларидан фойдаланган холда коррупцияга қарши компаниялар ўтказиш.

5.6.5 Жамият ходимлари, Котрагентлар ва бошқалар билан боғлиқ коррупцион харакатлар хақида мавжуд алоқа каналлари орқали маълумот беришни таъминлаш (аниқроқ ушбу Сиёсатнинг 7 бандида кўрсатилган).

5.6.6 Ходимлар меҳнат шартномасига коррупцияга қарши қоидаларни киритиш.

5.6.7 Жамиятда қабул қилинган коррупцияга қарши принцип ва талаблар хақида Контрагентларни хабардор қилиш, шу жумладан, улар билан тузилган шартномаларга коррупцияга қарши талаблар киритиш.

5.6.8 Жамиятда коррупцияга қарши тадбирлар ОАВ иштирокида брифинг йўли билан олиб бориш.

5.7 Коррупцияга қарши харакат масалалари бўйича мониторинг, назорат ва хисобот.

5.7.1 Жамиятда коррупцияга қарши киритилган талаб ва процедуралар мониторинг ва назорат сақланиши амалга оширилади, шунингдек, уларнинг самарадорлиги, етарлилиги ва хажм жихати баҳоланади, шу жуладан:

- Жамият фаолиятидаги ўзгаришлар таъсири тахлили, унинг Жамиятда коррупцияга қарши харакат тизимини ташкилий-функционал тузилиши, ташки ва ички факторлари ва корректировкаси, шу жумладан, унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари билан мос келишини таъминлаш;
- Жамиятдаги коррупцияга қарши харакат тизимининг самарадорлигини ва ишончлиигини хамда коррупцияга қарши тадбир ва процедуралар самарасизлигини аниқлаш учун Жамият ички жараёнларида (тасдиқланган режага асосан) танлаб олиш йўли билан доимий мониторинг ўтказиш;
- Жамиятда Ходимлар томонидан коррупцияга қарши принцип ва талабларни назорат қилиш мақсадида ички ёки ташқи текширишлар ўтказиш;
- Жамиятнинг комплаенс назорат мутахассиси ва бошқа йўналиш бўлинмаларига коррупцияга қарши юклатилган тадбирларининг тегишли даражада амалга оширишини ўз вақтида назорат қилиш.

5.7.2 Коррупцияга қарши харакат тизимининг назорати ва мониторинг тадбирлари натижавий хulosаси қўйидагиларда ёритилади:

- Жамият Бош директори учун хар чорак хисобот;
- «Ўзкимёсаноат» АЖ ва Жамият Бош директори учун хар йиллик хисоботида;
- Жамият Бош директорига тақдим этиладиган ички ёки ташқи текширишлар бўйича хulosасида;

5.7.3 Хисоботлар мазмуни Жамият ички меъёрий хужжатларига қараб аниқланади. Жамиятнинг коррупцияга қарши харакатларимиқёсидагифаолияти натижалари Жамиятнинг маҳсус Интернет-сайтида чоп этилиши мумкин.

5.7.4 Жамиятда доимий равища ички ва ташқи иқтисодий хўжалик фаолият аудити ўтказилади, шунингдек, Жамият ички меъёрий хужжатлари ва қабул қилинган қонунчилик талаблари амал қилиши хамда бухгалтер хисоби операциялари тўғи юритилишидаги ва тўлиқлиги доимий назоратда бўлади.

5.8 Аниқланган тартиббузарликларга эътибор қаратиш ва жавобгарликка иортиш.

5.8.1 Жазонинг мукаррарлиги ва жавобгарлик принципини хисобга олиб, барча ходимлар ушбу Сиёсатнинг талаб ва принциплари, Жамиятнинг бошқа коррупцияга қарши процедура ва сиёсатини бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар, шунингдек, амалдаги коррупцияга қарши қонунчиликка хам.

5.8.2 Барча коррупция харакатларига алоқадор «Ишонч телефони» ёки бошқа тармоқлардан келган тартиббузарликлар хақидаги маълумотлар шунингдек хар қандай ишончли тахмин ёки Жамиятда аниқланган коррупцияга харакат фактлари бўйича Жамият ички меъёрий хужжатлари асосида бошланғич ички суриштирув тадбирлари ўтказилади.

5.8.3 Қўлланиладиган коррупцияга қарши қонунчилик ва Жамиятда жорий этилган коррупцияга қарши принцип ва талабларни бузган Ходимлар, Жамият ички меъёрий хужжатлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган қонунлар асосида маъмурий, интизомий, фуқаровий – хукуқий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

5.8.4 Жамият раҳбарлари, шунингдек унинг йўналиш бўлинма (бўлим, бошқарма ва.б.) бошлиқлари коррупция қоидабузарликлари нафакат ўzlари, қўл остидаги шахслар учун хам жавобгардирлар.

5.8.5 Жамиятда коррупция харакатлари аниқланганда унинг содир бўлиш сабаб ва мохияти тахлил қилинади ва зарурият бўлганда коррупцияга қарши тадбир ва процедуралар амалга оширилади.

5.8.6 Жамият коррупцион хукуқбузарлик содир этган Жамият Ходимларига нисбатан коррупцион харакатларни аниқлаш ва суриштирув олиб бориш юзасидан хукуқ

тартиюот ва бошқа Давлат органлари, корхона ва ташкилотлар билан хамкорлик олиб боради.

6. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ПРОЦЕДУРАЛАР

- 6.1 Манфаатлар тўқнашувини бошқариш.
- 6.1.1 Жамият ходимлари ўз мансаб мажбуриятларини бажариш ва Жамият манфаатларини этиш доирасида халоллик ва хақгўйлик принципларини намойиш этишлари, ўз мансаб мавқеларидан манфаатлар тўқнашуви келтириб чиқариш мумкин бўлган холатлардан, шахсий манфаатлардан қочишлари керак.
- 6.1.2 Жамиятда манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Сиёсат қабул қилинган, у ўз ичига манфаатлар тўқнашуви холатларини аниқлаш, уни тартибга солиш ва холатларни кўриб чиқиш тартиби жавобгарларни олади. Хусусан ушбу назарга олинган :
- ишга қабул қилишда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлиги хақида маълумотларни очиш;
 - ротация ёки бошқа ишга ўтказиш вақтида манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки йўқлиги хақида маълумотларни очиш;
 - манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки йўқлиги хақида йиллик декларация маълумотлари;
 - манфаатлар тўқнашуви тўғрисида маълумотни ошкор қилиш.
- 6.1.3 Жамият барча аниқланган манфаатлар тўқнашувларини холис ва ўз вақтида бошқариш бўйича Сиёсатда белгиланганидек таъминлайди.
- 6.2 Контрагентлар ва учинчи шахс билан ўзаро таъсир.**
- 6.2.1 Жамият Контрагент билан унинг коррупцияга қарши принциплар ва коррупцияга қарши қабул қилинган қонунчилик талабларини сўзсиз бажариш тақдимот принципига асосланиб хамкорликка интилад.
- 6.2.2 Жамият ушбу Сиёст талаб ва принципларига зид харакатларни ёки хар қандай тўловни бажариш учун таъминотчиларни, пурратчиларни ва бошқа учинчи шахслар (шу жумладан, трейделар, савдо уйлари ва.б.)ни жалб этмайди, шунингдек, коррупцион коррупцион хавф туғдирувчиларни хам.
- 6.2.3 Жамият Контрагент билан алоқа давомида қонунчилик принциплар ва шаффофликка таъминотчилар билан халоллик, очиқ ва хаққонийликка, пурратчилар ва бошқа Контрагентлар билан танлаш критерияларининг объектив фойдаланишига, шунингдек, кўрсатилаётган хизматлар ва олинаётган таварлар, ишларнинг нархларини Жамият ички меъёрий хужжатларида ва қонунчиликда белгиланганидек бўлишини назорат қиласи.
- 6.2.4 Контрагент билан Жамият ўзаро алоқа / хамкорлик давомида:
- Контрагентларни ишончлилигини, шунингдек авваллари коррупция харакат содир этмаганликлари, Жамия ва унинг ходимлари билан манфаатлар тўқнашуви бор-йўқлиги хамда бошқа коррупцион хавфларни текширади.
 - потенциал Контрагентларни (конкурс ғолиблари, тўғридан-тўғри шартнома бўйича сотувчи Контрагентлар) ўзининг коррупцияга қарши талаб ва принциплар ва шартномага киритилган коррупцияга қарши кўшимчалар хақида хабардор қиласи.
- 6.2.5 Жамият Контрагентларни текшириш вақтида шунингдек, инвестиция ва инновация фаолияти доирасида сотиш ва айнан Жамият томонидан улушни сотиб олиш ёки қўшма корхона ташкил этиш ёки инновация лойихаларни маблағ билан таъминлаш вақтида текшириш процедураларини қўллайди. Ушбу текширишлар ўз ичига нафақат шерик ёки молия қабул қилувчини, унинг эгаси ва раҳбари қолаверса қўлланилаётган

коррупцияга қарши қонунчилик ва ушбу Сиёсат бўйича олиб борилаётган мақсад ва ўзаро амалга ошириладиган талабларнинг олиб борилишини хам ўз ичига олади.

- 6.2.6 Жамиятда Контагентлар билан хар қандай келишув (ёзма ёки оғзаки) тузиш тақиқланади, қачонки шартномаларнинг асосий қисмига, иловасига ёки тасдиқланган бошқа шаклининг асосий қисмига шартлар критилмагунича ва Жамиятнинг келишув процедурасидан ўтмагунича. Хар қандай шартнома томонларнинг барча шарт ва шароитларини ўзида тнамоён этиши керак.
- 6.2.7 Контрагентлар томонидан коррупцион харакатлар содир этишга оғдириш вазиятлари пайдо бўлганда ходимлар дархол ўзининг тўғридан-тўғри бошлиғига, комплаенс назорат мутахассисига ёки Жамиятнинг бошқа каналлари (жумладан «Ишонч телефони») орқали тартиббузарлик хақида хабар бериши керак.

6.3 Давлат органлари, ташкилот ёки корхоналар ва Давлат мансабдор шахслари билан ўзаро алоқалари.

- 6.3.1 Ходимларнинг Давлат органлари, корхона ёки ташкилот ва Давлат мансабдор шахслар билан ўзаро алоқалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият ички меъёрий хужжатлари ва ушбу Сиёсатда баён этилган талаб ва принципларга қатъий таянган холда амалга оширилади.
- 6.3.2 Жамият Давлат мансабдор шахслари ёки яқин қариндошларига (шунигдек, уларнинг маънфатлари фойдасига) Жамият фаолияти мавқини ошириш мақсадида хеч қандай ноқонуний молиявий тўловларни, шунингдек, шахслар учун дам олиш, транспорт, озиқ овқат, хар хил кўнгилочар тадбирлар. PR компаниялар, ссуда ажратиш, беъминнат хизматлар ва бошқа тақдирловчи хизматларни амалга оширайди.
- 6.3.3 Жамиятга нисбатан назорат-бошқарув функцияларини олиб борувчи Давлат мансабдор шахслари томонидан коррупцион харакатлар содир этишга оғдириш вазиятлари пайдо бўлганда ходимлар дархол ўзининг тўғридан-тўғри бошлиғига, комплаенс назорат мутахассисига, Жамият (жумлада “Ишонч телефонига”) шунингдек Давлат органлари “Тезкор тўлқин” каналига ёки тўғридан-тўғри хуқук тартибот органларига зудлик билан қилиши лозим.
- 6.3.4 Давлат мансабдор шахслари томонидан Жамиятга нисбатан назорат – бошқарув тадбирлари ўтказиш чоғида тартиббузарлик харакатлари содир этилганда, Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан ушбу харакатларга нисбатан шикоят қилишлари мумкин.

6.4 Совғалар ва вакиллик харажатлари.

- 6.4.1 Ходимлар ушбу Сиёсатда айтилган, Жамиятнинг бошқа ички меъёрий хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигда белгиланган талаб, принципларига мос келадиган бизнес совғаларни бериш чоғида барча бераётган ва қабул қилаётган совғалари, шунингдек, бажараётган вакиллик харажатлари ва бизнес меҳмондўстлик эътиборлари қуйидаги меъзонга тўғри келиши керак:

- Сиёсатда Жамиятнинг вакиллик харажатлари ва совғалар бўйича белгиланган лимитлари ва ўлчовларининг асосли даражада бўлиши;
- жамиятнинг фаолиятидаги қонуний мақсадлари билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиши (масалан, анъанавий, умуммиллий ва профессионал байрамлар доирасида);
- нақд пул ёки унга teng хашаматли буюм кўринишида бўлмаслиги;
- Жамият фаолияти билан боғлиқ бирор бир мақсадда яширин тарзда тақдирланмаслик;
- Бизнес меҳмондўстлик, вакиллик харажатлари ёки бирор бир совға олган тақдирда у хақдаги маълумот очилганда жамият обрўсига хавф солмаслиги шарт;
- Ходимга берилган вакиллик харажатлари ёки тақдим этилаётган совға ташкилот ички талабларига мос келиши керак.

6.4.3 ёСовғалар бериш, олиш рухсат берилган лимитлар асосида бўлиши, бизнес меҳмондўстлик белгиси ва вакиллик харажатлари амалга оширилиши қўшимча талаблари Жамиятнинг совғалар ва вакиллик харажатлари ушбу Сиёсатда ёритилган.

6.5 Сиёсий фаолиятни молиялаштириш.

6.5.1 Жамият хеч бир сиёсий фаолиятни молиялаштирумайди ва хеч бир сиёсий ташкилотни, партия, харакатлар, уларнинг аъзолари ва номзодларини, ташвиқотчи компанияларини ва сайланувчиларини ва умуман бошқа сиёсий тадбирларни қўллаб қувватламайди.

6.5.2 Ходимлар сиёсий партиялар ва харакатларга аъзо бўлишга, сиёсий фаолият билан шуғуланишга хаққилари бор, фақат бу фаолият:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият ички меъёрий хужжатлари ва ушбу Сиёсатга зид бўлмаслиги керак;
- бундай фаолият ходимнинг ишдан бўш вақти хисобидан бўлиши керак;
- Жамият фаолияти билан боғлиқ бўлмаслиги, Жамият обрўсига заарар етказмаслиги ва Жамиятда нохуқуқий афзалликларга эга бўлмаслиги керак;
- Ходимларнинг ўз мансаб мажбуриятлари ва хуқуqlарини баждаришларига зид бўлмаслиги керак;
- Ходимнинг жамиятдаги ойлик маоши хисобидан сиёсий фаолиятда фойдаланиш мақсадидаги ўтказмалар фақат Ходимнинг шахсан ёзма аризасига биноан амалга оширилади.

6.6 Хайрия ва хомийлик.

6.6.1 Жамият хайрия ва хомийлик фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, Жамият ички меъёрий хужжатларида ва ушбу Сиёсатда кўрсатилган талаб ва принципларга биноан амалга оширади.

6.6.2 Жамият томонидан жамоат ташкилотлари ва фонdlар, ижтимоий объектлар ва ахолининг маълум гурухларига нисбатан хомийлик ва хайрия ёрдамлари амалга оширилади ва Жамият ўз фаолиятини яширин тарзда хамда хеч қандай нохуқуқий фойда кўриш мақсадида амалга оширайди.

6.6.3 Жамият бажараётган хайрия ва хомийлик ёрдамларини имкон қадар назорат қиласи ва шунингдек кўрсатилган ёрдамлар хақидаги ахборотларни ўзининг расмий Интернет-сайтида чоп этиб боради.

6.6.4 Жамиятнинг хомийлик ва хайрия ёрдами кўрсатилишининг тасдиqlанинши, кўриб чиқиши тартиби, йўналишлари, мақсади Жамиятнинг хайрия ва хомийлик фаолияти бўйича Сиёсатида ёритилган.

6.6.5 Ходимлар хайрия ва хомийлик фаолияти билан шахсан шуғуланишлари мумкин, фақат ушбу Сиёсатнинг 6.5.2 бандида кўрсатилганталабларга қатъий қилган холда.

6.7 Ходимни танлаш, хизмат бўйича қўтариш, моддий рағбатлантириш.

6.7.1 Жамият Ходимларини танлаш ва фаолиятини баҳолаш, шунингдек, мукофот тўлаш, устама белгилаш ва бошқа қўринишдаги рағбатлантиришлар, барча ходимлар учун шаффофлик, тенглик ва объектив бўлиши хамда ушбу Сиёсат, Жамиятнинг бошқа ички меъёрий хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаб ва принципларига мос бўлиши керак.

6.7.2 Жамият коррупцион ва бошқа ахлоқ прициплари, Жамият ва ушбу Сиёсат талабларига зид фаолиятларда қатнашган шахслар билан меҳнат шартномаси тузилишига йўл қўймасликка харакат қиласи.

6.8 Хисобни юритиш.

- 6.8.1 Жамият Ўзбекистон Республикаси бухгалтер ва солиқ хисобини юритиш хамда хисоботлар юритиш талаблари доирасида қонунчиликка қатый риоя қилиди.
- 6.8.2 Жамият текширишлар учун хақиқий, тўғри, барча деталлар етарли даражада ёритилган ва бух хисобидаги барча молия операциялар хисоботлари тўғри бўлишини, шунингдек керакли хужжатларга эркин киришни таъминлайди. Жамиятда бухгалтер хисобида кўрсатилмаган ёки нотўғри кўрсатилганликни намоён этувчи операциялар ва хужжатлар хисобга олинмайди.
- 6.8.3 Жамият хисоботидаги бухгалтерлик, бошқарув, солиқ хисоботларини бузиш ёки калбакилаштириш, бирламчи хисоб хужжатлари даги деталлар етишмаслиги ёки мавжуд эмаслиги, хужжатлар ва хисоботларгага ноқонуний тузатишлар киритиш, шунингдек, шунга ўхшаш хужжатларни белгиланган муддатдан олдин йўқ қилиш ёки қастдан бузиш, шу жумладан Жамиятдаги коррупцион тўловларни яшириш мақсадида характ қилиш қатиян таъкиқланади.
- 6.8.4 Тақдим этиладиган бухгалтерлик хисоботлари тўлиқлигини, хаққонийлигини таъминлаш учун ички меъёрий хужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан Жамиятдан жавобгар шахс тайинланади.

7. ТАРТИБУЗАРЛИК ХАҚИДА АХБОРОТ БЕРИШ.

- 7.1.1 Жамият Ходимлари, Контрагентлари ва бошқа шахслар Жамиятнинг ходимлари томонидан қонунчилик, хақчиллик ёки ахлоқийлик харакатларида шубҳа сезсалар, шунингдек, коррупцион харакатлар аломатини сезсалар дархол қуйидаги ахборот каналларининг бирига хабар беришлари шарт:
- Ишонч телефон: +99878 150 32 22 (ички 1002) орқали;
 - Электорн почта o.voronin@brz.uz орқали;
 - жамиятнинг расмий сайтига форма асосида жойлаштириш орқали;
 - тўғридан-тўғри раҳбари орқали (фақат Жамият ходимлари учун);
 - тўғри Комплаенс назорат мутахассисига +99899 400 11 78 телефон рақами орқали;
 - хуқуқ тартибот органларига.
- 7.1.2 Жамият коррупция харакатлари хақидаги барча ахборотларни рўйхатга олишни, ўз вақтида ва холисона хамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва Жамият ичкимеъёрий хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқишни таъминлайди.
- 7.1.3 Шунингдек аноним тарздаги ахборотлар хам кўриб чиқиш учун қабул қилинади. Лекин, бу холатда аноним бўлиб қолишни истаган ахборот берувчи қуидагиларни тан олиши лозим:
- Жамият ахборот берувчи биланқўшимча ахбарот олиш учун боғдана олмайди ва қабул қилинган ахборот бўйича қайта алоқа қилолмайди;
 - Агар тақдим этилган ахборот тўлиқ бўлмаса Жамият қабул қилинган ахборот бўйича тўлиқ ва хар томонлама текширишда чекланиб қолади;
- 7.1.4 Жамият шу жумладан унинг коррупция харакатлари хақида хабарларни қабул қилиш, саралаш ва кўриб чиқиш хуқуқига эга ходимлар, ўз ъваколатлари доирасида ва мавжуд имкониятлар орқали коррупция харакатлари хақидаги ахборотни олиб келган шахс махфийлигини сақланишини таъминлайди (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўрсатилган холлардан ташқари).
- 7.1.5 Жамият Ходимнинг манфаатларини химоя қиласи ва коррупцияга қарши ушбу Сиёsat талаб ва принципларини бузган ёки бузишда гумон қилинганлар хақида вожданон хабар берган ходимни таъқиб қилинмаслигига, ишдан озод этилмаслигига, мансабидан туширилмаслигига, кафолат беради.

7.1.6 Ёлғон ахборот бериш, ёлғон гувохлик бериш ёки тухмат, ушбу Сиёсатни бузиш ва ахлоқсизлик деб саналади, хамда ушбу ахборотни тақдим этган ходим Жамият ички меъёрий хужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан жавобгарликка тортилиши мумкин.

8. ХОДИМЛАРНИ КОНСУЛЬТАЦИЯ ҚИЛИШ.

8.1.1 Ходимлардапайдо бўлган коррупцияга қарши қабул қилинган қонунчилик талаблари, ушбу Сиёсат низоми ёки бошқа коррупцияга қарши тадбир ва процедуralар хақидаги барча саволлар бўйича улар ўз бошлиқларига ёки комплаенс назорат мутахассисига маслаҳат билан мурожаат қилишлари мумкин.

8.1.2 Комплаенс назорат мутахассиси қуйидаги тартибда (консультация) маслаҳат беради:

- Электорн почта орқали келган саволларга: o.voronin@brz.uz орқали;
- Иш вақтида +99899 400 11 78 телефон рақами орқали;
- Шахсан: Қўриқлаш хизмати бошлиғи хонаси, марказий (НЎЖ) назорат ўтказиш жойи.

9. ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ТАРТИБИ.

9.1.1 Ушбу Сиёсат ички меъёрий хужжат хисобланади ва Жамият Бош директори буйруғи билан тасдиқлангандан сўнг кучга киради хамда унинг бекор қилингунигача ёки бошқ таҳирдагиси қабул қилинмагунча муомилада бўлади.

9.1.2 Ушбу Сиёсат қуйидаги вазиятларда қайта кўриб чиқилади ва ўзгартериш киритилади:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ёки етакчи халқаро амалийларга коррупцияга қарши ўзгартеришлар киритилганда ва бу ўз навбатида коррупция харакатларига қарши Сиёсат ва процедуralарга ўзгартериш киритишга сабаб бўлганда;
- Жамият фаолиятида коррупция харакатларига қарши огохлантирувчи йўналишлар. Коррупцияга қарши процедура ва тадбирлар самарасиз эканлиги аниқлангандা;
- Жамият ташкилий тузилиши ёки унинг фаолият хусусиятлари ўзгарганда ва х.к.

9.1.3 Ушбу Сиёсатга ўзгартериш киритиш заруриятини газорат қилиш мақсадида Комплаенс назорат мутахассиси ва Жамия юрисконсульти бир йилда камида бир маротаба ушбу Сиёсатни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Коррупция харакатларига қарши халқаро амалиёт доирасида, шунингдек, Жамият фаолиятини кўриб чиқадилар ва зарурият туғилганда Сиёсатнинг янги таҳирдаги лойихасини тайёрлайдилар ва Жамият Бош директорига кўриб чиқиши учун киритадилар.

9.1.4 Ушбу Сиёсатга барча ўзгартериш ва қўшимчалар Бош директорнинг буйруғига асосан киритилади.